



## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2021 yil « 21 » апрель

№ ПҚ–5088

### **Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб- қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларини рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг **1-иловага** мувофиқ рўйхатда кўрсатилган ҳудудларда **ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** (кейинги ўринларда – Ёшлар саноат зоналари) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ташкил этилаётган Ёшлар саноат зоналарининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва ғоялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қулай шарт-шароитлар яратиш;

“стартаплар” ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;

ёшларга ўз инновацион ишланмаларини ишлаб чиқариш жараёнига жорий этиш ва натижаларини тижоратлаштириш, йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш борасида амалий ёрдам кўрсатиш;

банд бўлмаган, шу жумладан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш.

3. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳоқимият органлари билан биргаликда:

2-иловада келтирилган рўйхатдаги **77 та** Ёшлар саноат зоналари – **2021 йил 1 сентябргача**;

қолган барча Ёшлар саноат зоналари – **2022 йил 1 январгача** тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

4. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашнинг манзилли дастури (кейинги ўринларда – Манзилли дастур) **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратиладиган **100 миллион АҚШ доллари**;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва хусусий молия компанияларининг қарзлари;

Жамғарманинг бўш турган маблағларини тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб юқори бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, ҳунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хомашё ва материаллар негизида мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш.

7. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Жамғармага 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағнинг 50 фоизи икки ой муддатда бошланғич капитални шакллантириш учун, қолган 50 фоизи олти ой муддатда ажратилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклиф киритсин.

9. Белгилансинки:

а) **Манзилли дастурда назарда тутилган ишлар 2021 – 2023 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар, шунингдек, маҳаллий бюджет ва таъминотчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;**

б) Ёшлар саноат зоналари **муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган**, фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларида **ташкил этилади;**

в) Ёшлар саноат зоналарига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан танлаб олинади;

г) Ёшлар саноат зоналари ҳудудида майдони **1000 м<sup>2</sup>** гача бўлган ер участкалари, истисно тариқасида, электрон аукцион савдоси ўтказмасдан, халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори

билан ажратилади. Бунда, бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади;

д) патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап-инвестиция лойиҳалари, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда яратиладиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган, шу жумладан бандлиги таъминланмаган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш назарда тутилган инвестиция лойиҳалари Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилишида **устуворликка эга** бўлади;

е) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилдиган инвестиция лойиҳалари доирасида:

молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла **100 минг АҚШ доллари** эквивалентидан ошмаган миқдорда **7 йилгача** муддат билан тақдим этилади;

қиймати **100 минг АҚШ доллари** эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **10 фоиз**, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик **2 фоиз** ставкалари билан тақдим этилади;

тижорат банклари миллий валютадаги кредитларни ўз маржаси миқдорини **4 фоиздан** оширмасдан йиллик **14 фоиз**, хорижий валютадаги кредитларни – ўз маржаси миқдорини **1 фоиздан** оширмасдан йиллик **фоиз** ставкасини **3 фоиз** миқдорида белгилаган ҳолда ажратади;

тижорат банклари ажратилган молиявий ресурсларнинг мақсадли фойдаланилиши ва тўлиқ қайтарилишини доимий мониторинг қилиб боради;

ж) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилади, шу жумладан:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик **10 фоиз** ставкаси миқдорида белгиланган ҳолда тақдим қилинади;

тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик **14 фоиз** ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг **10 фоизини** ташкил қилувчи қисмини тўлайди.

10. Белгилаб қўйилсинки, **2023 йил 31 декабрга қадар** Ёшлар sanoat зоналари ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг таъминоти билан боғлиқ қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг **50 фоизигача миқдорида**, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар беради;

б) устав фонди (капитали)да давлат улуши **50 фоиз** ва ундан зиёд бўлган суғурта ташкилотлари тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг **50 фоизигача миқдорида**, бироқ **500 млн** сўмдан ошмаган миқдорда, йиллик **2 фоиз** ставкасида суғурта полисини тақдим этади.

Ушбу бандда назарда тутилган тартиб солиқлар ҳамда олдинги тузилган кредит шартномалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлган ёш тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, амалга оширишни молиялаштиришни ташкиллаштириш ва ер майдонларини ажратиш жараёнларининг автоматлаштирилишини таъминлаш мақсадида тегишли веб-сайт ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш, ривожлантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин, унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига жойларда Ёшлар саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.

14. Қуйидагилар:

Бош вазирнинг ўринбосари С.У. Умурзаковга – вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ёшлар саноат зоналари ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларига – ишчи гуруҳлари томонидан Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестиция буюртманомаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши, ёш тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ва бўш бинолар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;

энергетика вазири А.С. Султановга, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятловга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиковга, транспорт вазири И.Р. Махкамовга – Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш;

иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири ўринбосари А.М. Бобоевга – Манзилли дастурда белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши устидан назорат қилиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳар чорақда Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш ҳамда Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритсин.

16. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорақда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга оширилган ишларни Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлисларида танқидий муҳокама қилсин ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни кўрсин.

17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**



**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5088-сон қарорига  
1-илова

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида  
ташкил қилинадиган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
<b>Республика бўйича жами 219 та</b>		<b>805,6</b>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
1.	Нукус шаҳри, “Жана базар” МФЙ	2,0
2.	Амударё тумани, “Аёқчи” МФЙ	2,5
3.	Беруний тумани, “Шаббоз” ОФЙ	1,2
4.	Бўзатов тумани, “Бўзатов” ПФЙ	2,0
5.	Кегейли тумани, “Актуба” ОФЙ	2,0
6.	Қонликўл тумани, “Маденият” МФЙ	1,5
7.	Қораўзак тумани, “Қораўзак” ПФЙ	1,0
8.	Қўнғирот тумани, “Қаратол” МФЙ	3,5
9.	Мўйноқ тумани, “Талли-узак” МФЙ	1,0
10.	Нукус тумани, “Крантау” ОФЙ	4,9
11.	Тахтакўпир тумани, “Қараой” ОФЙ	3,0
12.	Тўрткўл тумани, “Кўна Тўрткўл” ОФЙ	4,0
13.	Тўрткўл тумани, “Тозабогёб” ОФЙ	4,6
14.	Тахиатош тумани, “Қусшылық” ОФЙ	2,0
15.	Хўжайли тумани, “Кун нури” МФЙ	3,0
16.	Чимбой тумани, “Тазғара” ОФЙ	2,0



<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
17.	Шуманай тумани, “Маденият” МФЙ	2,0
18.	Элликқалъа тумани, Элликқалъа ОФЙ	2,0
<b>Жами: 18 та</b>		<b>44,2</b>
<b>Андижон вилояти</b>		
1.	Андижон шаҳри, “Бўстон” МФЙ	4,0
2.	Хонобод шаҳри, “Ш.Рашидов” МФЙ	6,8
3.	Андижон тумани, “Чўлпон” МФЙ	6,0
4.	Андижон тумани, “Бўтақора” МФЙ	6,0
5.	Асака тумани, “Янги ҳаёт” МФЙ	4,6
6.	Балиқчи тумани, “М.Улуғбек” МФЙ	4,1
7.	Булоқбоши тумани, “Жўраполвон” МФЙ	5,0
8.	Бўстон тумани, “Ўзбекистон” МФЙ (1-зона)	2,7
9.	Бўстон тумани, “Ўзбекистон” МФЙ (2-зона)	2,0
10.	Жалақудуқ тумани, “Пахтакор” МФЙ	5,0
11.	Избоскан тумани, “Янги замон” МФЙ	5,0
12.	Улуғнор тумани, “Улуғнор” МФЙ	2,0
13.	Марҳамат тумани, “М.Тожибоев” МФЙ	5,0
14.	Олтинкўл тумани, “Намуна” МФЙ	5,0
15.	Олтинкўл тумани, “Тошкент” МФЙ	3,0
16.	Пахтаобод тумани, “Охунбобоев” МФЙ	4,0
17.	Пахтаобод тумани, Маданият қишлоғи, “Бўстон” МФЙ	8,4
18.	Хўжаобод тумани, “Мадёров” МФЙ	6,0
19.	Шаҳрихон тумани, “Янги вахим” МФЙ	4,0

Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
20.	Қўрғонтепа тумани, “Қўрғонтепа” массиви	4,8
<b>Жами: 20 та</b>		<b>93,4</b>
<b>Бухоро вилояти</b>		
1.	Бухоро шаҳри, “Отбозор” МФЙ	2,9
2.	Когон шаҳри, “Ватанпарвар” МФЙ	4,6
3.	Олот тумани, “Халифа” МФЙ	2,0
4.	Бухоро тумани, “Истиқбол” МФЙ	4,0
5.	Вобкент тумани, “Паноб” МФЙ	5,0
6.	Ғиждувон тумани, “Позагри” МФЙ	2,5
7.	Когон тумани, “Янгиҳаёт” МФЙ	5,0
8.	Қорақўл тумани, “Хўжалар” МФЙ	2,2
9.	Қоровулбозор тумани, “Навбаҳор” МФЙ	3,0
10.	Пешку тумани, “Садр” МФЙ	4,1
11.	Ромитан тумани, “Қаҳрамон” МФЙ	2,0
12.	Жондор тумани, “Қароли” МФЙ	5,0
13.	Шофиркон тумани, “Пахтаобод” МФЙ	4,0
<b>Жами: 13 та</b>		<b>46,3</b>
<b>Жиззах вилояти</b>		
1.	Арнасой тумани, “Бобур” МФЙ	10,0
2.	Бахмал тумани, “Ўснат” ШФЙ	5,0
3.	Ғаллаорол тумани, “Кўкбулоқ” ҚФЙ	5,0
4.	Дўстлик тумани, “Саноатчилар” МФЙ	0,6
5.	Жиззах шаҳри, “Сайхан” МФЙ	9,5

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
6.	Зарбдор тумани, “Янгиобод” МФЙ	3,0
7.	Зарбдор тумани, “Оқбулоқ” МФЙ	3,0
8.	Зафаробод тумани, “Бўстон” МФЙ,	1,5
9.	Зомин тумани, “Оқтепа” МФЙ	5,0
10.	Мирзачўл тумани, “Мирзадала” ШФЙ	2,0
11.	Пахтакор тумани, “Ғалаба” МФЙ	1,5
12.	Фориш тумани, “Ўзбекистон” МФЙ	5,0
13.	Ш. Рашидов тумани, “Учтепа” МФЙ	10,0
14.	Янгиобод тумани, “Янгиобод” ШФЙ	4,0
<b>Жами: 14 та</b>		<b>65,1</b>
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
1.	Қарши шаҳри, “Хонтепа” МФЙ	2,0
2.	Шаҳрисабз тумани, “Синабоғ” МФЙ	1,09
3.	Ғузор тумани, “Қовчин” МФЙ	5,4
4.	Деҳқонобод тумани, “Бешбулоқ” МФЙ	1,0
5.	Касби тумани, “Муғлон МФЙ	1,0
6.	Китоб тумани, “Шарқ Юлдузи” МФЙ	2,0
7.	Косон тумани, “Дўстлик” МФЙ	1,3
8.	Қамаши тумани, “Ўзбекистон” МФЙ	1,0
9.	Қарши шаҳри, “Кўчкак” МФЙ	4,5
10.	Миришкор тумани, “Жейнов” МФЙ	0,9
11.	Муборак тумани, “Кончилар” МФЙ	0,45
12.	Нишон тумани, “Улуғбек” МФЙ	0,74

Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
13.	Чироқчи тумани, “Жар” МФЙ	2,2
14.	Шаҳрисабз тумани, “Хонтепа” МФЙ	1,42
15.	Яккабоғ тумани, “Жамбул” МФЙ	1,85
<b>Жами: 15 та</b>		<b>26,85</b>
<b>Навоий вилояти</b>		
1.	Навоий шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	0,65
2.	Зарафшон шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	3,4
3.	Ғозғон шаҳри, “Мармаробод” МФЙ	10,5
4.	Кармана тумани, “Ҳазора” МФЙ	3,1
5.	Конимех тумани, “Наврўз” МФЙ	3,0
6.	Қизилтепа тумани, “Ғойбон” МФЙ	5,0
7.	Навбаҳор тумани, “Кескантерак” МФЙ	2,1
8.	Нурота тумани, “Мустақиллик” МФЙ	3,0
9.	Томди тумани, “Томдибулоқ” ОФЙ	3,0
10.	Учқудуқ тумани, “Боздун” ОФЙ, Саноат зонаси ҳудуди	10,0
11.	Хатирчи тумани, “Зарафшон” МФЙ	2,0
<b>Жами: 11 та</b>		<b>45,7</b>
<b>Наманган вилояти</b>		
1.	Наманган шаҳри, “Баркамол Авлод” МФЙ	10,0
2.	Наманган шаҳри, “Ёшлик” МФЙ	10,0
3.	Давлатобод тумани, “Юксалиш” МФЙ	10,0
4.	Косонсой тумани, “Бўстон” МФЙ	10,0
5.	Мингбулоқ тумани, “Меҳнатобод” МФЙ	2,0

Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
6.	Наманган тумани, “Кичик қурама” МФЙ	3,5
7.	Норин тумани, “Катта яйдоқ” МФЙ	1,4
8.	Поп тумани, “Миришкор” МФЙ	6,0
9.	Поп тумани, “Исковут” МФЙ	3,0
10.	Тўрақўрғон тумани, “Юқори Мўғолтой” МФЙ	3,3
11.	Тўрақўрғон тумани, “Оқтош” МФЙ	4,5
12.	Уйчи тумани, “Овчибулоқ” МФЙ	3,6
13.	Учқўрғон тумани, “Янгиер” МФЙ	3,5
14.	Чортоқ тумани, “Тинчлик” МФЙ	1,5
15.	Чортоқ тумани, “Ўрикзор” МФЙ	7,0
16.	Чуст тумани, “Саримсоқтепа” МФЙ	8,0
17.	Чуст тумани, “Кўктош” МФЙ	10,0
18.	Янгиқўрғон тумани, “Бунёдкор” МФЙ	10,0
19.	Янгиқўрғон тумани, “Қораполвон” МФЙ	12,0
<b>Жами: 19 та</b>		<b>119,3</b>
<b>Самарқанд вилояти</b>		
1.	Булунғур тумани, “Амир Темур” ОФЙ	2,0
2.	Жомбой тумани, “Деҳқонобод” МФЙ	2,0
3.	Иштихон тумани, “Одил” МФЙ	1,5
4.	Каттақўрғон тумани, “Яккабоғ” МФЙ	5,0
5.	Каттақўрғон шаҳри, “Ер мачит” МФЙ	2,0
6.	Қўшрабат тумани, “Навкат” МФЙ	1,0
7.	Нарпай тумани, “Дедан” МФЙ	2,0

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
8.	Нуробод тумани, “Машъал” МФЙ	1,2
9.	Оқдарё тумани, “Зарафшон” мавзеси	5,3
10.	Пайариқ тумани, “Халқобод” МФЙ	2,25
11.	Пастдарғом тумани, “Кимёгарлар” мавзеси	3,2
12.	Пахтачи тумани, “Сардоба” МФЙ	2,4
13.	Самарқанд тумани, “МХП” мавзеси	3,0
14.	Самарқанд шаҳри, “Қорасув” мавзеси	2,0
15.	Тойлоқ тумани, “Эскижума” МФЙ	2,25
16.	Ургут тумани, “Сариқтепа” МФЙ	6,0
<b>Жами: 16 та</b>		<b>43,1</b>
<b>Сирдарё вилояти</b>		
1.	Гулистон шаҳри, “Навбахор” МФЙ	2,6
2.	Гулистон шаҳри, “Баҳор” МФЙ	1,4
3.	Ширин шаҳри, Ибн Сино кўчаси	1,4
4.	Мирзаобод тумани, Наврўз шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси	3,1
5.	Боёвут тумани, “Бекаат” МФЙ	1,0
6.	Оқолтин тумани, “Саховат” МФЙ	2,6
7.	Ховос тумани, Бунёдкор МФЙ	1,8
8.	Сирдарё тумани “Адолат” МФЙ	1,8
9.	Гулистон тумани, “Аҳиллик” МФЙ	3,0
10.	Сардоба тумани, “Халқобод” МФЙ	1,0
11.	Янгиер шаҳри, “Обод юрт” МФЙ	1,2

Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
12.	Сайхунобод туманида “Сайхунобод қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи” биноси ва бўш турган ер майдони	1,0
<b>Жами: 12 та</b>		<b>21,9</b>
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
1.	Ангор тумани, “Шаргули” МФЙ	1,4
2.	Бандихон тумани, “Пахтакор” МФЙ	1,0
3.	Бойсун тумани, “Газа” МФЙ	6,0
4.	Денов тумани, “Нуристон” МФЙ	5,5
5.	Жарқўрғон тумани, “Қўштепа” МФЙ	6,0
6.	Қизириқ тумани, “Зарбдор” МФЙ	5,0
7.	Қумқўрғон тумани, “Азларсой” МФЙ	3,5
8.	Музработ тумани, “Алпомиш” МФЙ	1,2
9.	Олтинсой тумани, “Ипоқ” МФЙ	5,0
10.	Сариосиё тумани, “Анорзор” МФЙ	1,5
11.	Термиз тумани, “Нурафшон” МФЙ	5,5
12.	Термиз шаҳри, “Каттабоғ” МФЙ	0,45
13.	Термиз шаҳри, “Темир йўлчи” МФЙ	1,0
14.	Узун тумани, “Истиқлол” МФЙ	3,0
15.	Шеробод тумани, “Тароқли” МФЙ	1,0
16.	Шўрчи тумани, “Оқкамар” МФЙ	3,0
<b>Жами: 16 та</b>		<b>50,05</b>
<b>Тошкент вилояти</b>		
1.	Ангрен шаҳри, “Файзобод” МФЙ	1,6

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
2.	Бекобод шаҳри, “Қосим ота Фармонов” МФЙ	2,8
3.	Нурафшон шаҳри, “Дегантепа” МФЙ	1,0
4.	Оҳангарон шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	1,5
5.	Тошкент тумани, “М. Фозилов” МФЙ	5,0
6.	Ўртачирчиқ тумани, “Ўртаовул” МФЙ собиқ 1-автопарк	5,6
7.	Ўртачирчиқ тумани, “Фаровон” МФЙ	3,7
8.	Ўртачирчиқ тумани, Қорасув МФЙ	2,0
9.	Бўка тумани, “Гулистон” МФЙ	1,0
10.	Чирчиқ шаҳри, “Максам-Чирчиқ” АЖнинг 51-цех ҳудуди	5,6
11.	Бекобод тумани, “Оқ тепа” МФЙ	4,0
12.	Паркент тумани, “Қуёш” МФЙ	1,0
13.	Чиноз тумани, “Гулзаробод” МФЙ	2,0
14.	Олмалиқ шаҳри, “Зарбулоқ” МФЙ	2,0
15.	Олмалиқ шаҳри, “Сўфи Оллоёр” МФЙ	1,0
16.	Зангиота тумани, “Боғзор” МФЙ	5,0
17.	Янгийўл тумани, “Қирсадоқ” МФЙ	1,0
18.	Янгийўл шаҳри, “Самарқанд” кўчаси	1,0
19.	Қуйи Чирчиқ тумани, “Дўстлик” МФЙ	5,0
20.	Пискент тумани, “Сути” МФЙ	2,0
<b>Жами: 20 та</b>		<b>53,8</b>
<b>Фарғона вилояти</b>		
1.	Фарғона шаҳри, Саноатчилар кўчаси	3,0



Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
2.	Марғилон шаҳри, “Наврўз” МФЙ	4,0
3.	Қувасой шаҳри, “Валик” МФЙ	0,5
4.	Қувасой шаҳри, “Пакана” МФЙ	10,0
5.	Қўқон шаҳри (Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, “Мингтут” МФЙ ҳудудидан)	10,0
6.	Бағдод тумани, “Миришкор” МФЙ	1,2
7.	Бағдод тумани, “Мурувват” МФЙ	7,9
8.	Бешариқ тумани, “Бахмал” МФЙ	10,0
9.	Данғара тумани, “Чинобод” МФЙ	3,5
10.	Ёзёвон тумани, “Тошҳовуз” МФЙ	2,3
11.	Олтиариқ тумани, “Катпут” мавзеси	12,0
12.	Риштон тумани, “Навбаҳор” МФЙ	2,0
13.	Сўх тумани, “Ҳазрат Али” МФЙ	3,0
14.	Сўх тумани, “Зангат” МФЙ	2,1
15.	Тошлоқ тумани, “Қанжирға” МФЙ	5,1
16.	Учкўприк тумани, “Тожик” МФЙ	1,5
17.	Фарғона тумани, “Юқори арча” МФЙ	10,0
18.	Фурқат тумани, “Ардахшоҳ” МФЙ	2,3
19.	Фурқат тумани, “Томоша” МФЙ	1,4
20.	Қува тумани, “Турк” МФЙ	7,3
21.	Қўштепа тумани, “Истиқбол” МФЙ	4,6
22.	Ўзбекистон тумани, “Мингтут” МФЙ	10,0
<b>Жами: 22 та</b>		<b>113,7</b>
<b>Хоразм вилояти</b>		

Т/р	Жойлашган манзили	Эгаллаган ер майдони (га)
1.	Урганч шаҳри, “Ашхобод” МФЙ	3,2
2.	Хива шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	5,0
3.	Боғот тумани, “Деҳқонобод” мавзеси	5,0
4.	Гурлан тумани, “Шоликор” ҚФЙ, “Чинобод” мавзеси	3,0
5.	Қўшқўпир тумани, “Янгилик” ҚФЙ, “Ёвғир” МФЙ	2,0
6.	Урганч тумани, “Чатқўпир” ҚФЙ, Саноат зонаси ҳудуди	1,0
7.	Ҳазорасп тумани, “Янгибозор” ҚФЙ, “Алоқали кўл” МФЙ	3,0
8.	Хива тумани, “Атажон тўра” МФЙ	5,0
9.	Хонқа тумани, “Қорақош” ҚФЙ, “Ғайрат” МФЙ	4,0
10.	Шовот тумани, Саноат зонаси ҳудуди	5,0
11.	Янгиариқ тумани, “Қўриқтом” ҚФЙ, “Янгиер” МФЙ	5,0
12.	Янгибозор тумани, “Ифтихор” МФЙ	2,6
13.	Тупроққалъа тумани, Саноат зонаси ҳудуди	5,0
<b>Жами: 13 та</b>		<b>48,8</b>
<b>Тошкент шаҳри</b>		
1.	Бектемир тумани, “Дўстлик” МФЙ	5,0
2.	Олмазор тумани (Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “Қушқўнди” мавзесидан ажратиладиган 200 га ер майдонидан)	5,0
3.	Учтепа тумани, “Журжоний” МФЙ	2,6
4.	Сергели тумани, “Хонобод” МФЙ	3,0

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Эгаллаган ер майдони (га)</b>
5.	Чилонзор тумани, “Бектўпи” МФЙ	2,7
6.	Чилонзор тумани, Бешқўрғон” МФЙ	2,0
7.	Юнусобод тумани, “Ҳамкоробод” МФЙ	5,0
8.	Яккасарой тумани, “Яккасарой” МФЙ	1,1
9.	Янгиҳаёт тумани, “Чортоқ” МФЙ	5,0
10.	Яшнобод тумани, “Катта Янгиобод” МФЙ	2,0
<b>Жами: 10 та</b>		<b>33,4</b>

*\*) Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Қибрай туманлари, Фарғона вилоятининг Бувайда тумани ҳамда Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек, Миробод ва Шайхонтоҳур туманлари, Наманган вилоятининг Янги Наманган туманида ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари бўш ер майдонлари тўлиқ хатловдан ўтказилгандан сўнг, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда вилоятлар ҳокимларининг қарорларига асосан ташкил этилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 21 апрелдаги ПҚ–5088-сон қарорига  
2-илова

**2021 йил 1 сентябрга қадар ишга туширилиши лозим бўлган  
77 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари  
РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
<b>Қорақалпоғистон Республикаси</b>		
1.	Нукус шаҳри, “Жана базар” МФЙ	2,0
<b>Андижон вилояти</b>		
2.	Андижон шаҳри, “Бўстон” МФЙ	4,0
3.	Хонобод шаҳри, “Ш.Рашидов” МФЙ	6,8
4.	Андижон тумани, “Чўлпон” МФЙ	6,0
5.	Андижон тумани, “Бўтақора” МФЙ	6,0
6.	Асака тумани, “Янги ҳаёт” МФЙ	4,6
7.	Балиқчи тумани, “М.Улуғбек” МФЙ	4,1
8.	Булоқбоши тумани, “Жўраполвон” МФЙ	5,0
9.	Бўстон тумани, “Ўзбекистон” МФЙ (1-зона)	2,7
10.	Бўстон тумани, “Ўзбекистон” МФЙ (2-зона)	2,0
11.	Жалақудуқ тумани, “Пахтакор” МФЙ	5,0
12.	Избоскан тумани, “Янги замон” МФЙ	5,0
13.	Улуғнор тумани, “Улуғнор” МФЙ	2,0
14.	Марҳамат тумани, “М.Тожибоев” МФЙ	5,0
15.	Олтинкўл тумани, “Намуна” МФЙ	5,0
16.	Олтинкўл тумани, “Тошкент” МФЙ	3,0
17.	Пахтаобод тумани, “Охунбобоев” МФЙ	4,0

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
18.	Пахтаобод тумани, Маданият қишлоғи, “Бўстон” МФЙ	8,4
19.	Хўжаобод тумани, “Мадёров” МФЙ	6,0
20.	Шаҳрихон тумани, “Янги вахим” МФЙ	4,0
21.	Қўрғонтепа тумани, “Қўрғонтепа” массиви	4,8
<b>Бухоро вилояти</b>		
22.	Бухоро шаҳри, “Отбозор” МФЙ	2,9
23.	Когон шаҳри, “Ватанпарвар” МФЙ	4,6
24.	Жондор тумани, “Қароли” МФЙ	5,0
<b>Жиззах вилояти</b>		
25.	Дўстлик тумани, “Саноатчилар” МФЙ	0,6
26.	Жиззах шаҳри, “Сайхан” МФЙ	9,5
27.	Зомин тумани, “Оқтепа” МФЙ	5,0
28.	Ш. Рашидов тумани, “Учтепа” МФЙ	10,0
<b>Қашқадарё вилояти</b>		
29.	Шаҳрисабз тумани, “Синабоғ” МФЙ	1,09
<b>Навоий вилояти</b>		
30.	Навоий шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	0,65
31.	Учқудуқ тумани, “Боздун” ОФЙ, Саноат зонаси ҳудуди	10,0
<b>Наманган вилояти</b>		
32.	Давлатобод тумани, “Юксалиш” МФЙ	10,0
33.	Косонсой тумани, “Бўстон” МФЙ	10,0
34.	Мингбулоқ тумани, “Меҳнатобод” МФЙ	2,0
35.	Наманган тумани, “Кичик қурама” МФЙ	3,5

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
36.	Норин тумани, “Катта яйдоқ” МФЙ	1,4
37.	Поп тумани, “Миришкор” МФЙ	6,0
38.	Тўрақўрғон тумани, “Юқори Мўғолтой” МФЙ	3,3
39.	Чортоқ тумани, “Ўрикзор” МФЙ	7,0
40.	Чуст тумани, “Саримсоқтепа” МФЙ	8,0
41.	Янгиқўрғон тумани, “Қораполвон” МФЙ	12,0
<b>Самарқанд вилояти</b>		
42.	Жомбой тумани, “Деҳқонобод” МФЙ	2,0
43.	Каттақўрғон шаҳри, “Ер мачит” МФЙ	2,0
44.	Самарқанд шаҳри, “Қорасув” мавзеси	2,0
45.	Ургут тумани, “Сариқтепа” МФЙ	6,0
<b>Сирдарё вилояти</b>		
46.	Гулистон шаҳри, “Навбахор” МФЙ	2,6
47.	Мирзаобод тумани, Наврўз шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси	3,1
48.	Боёвут тумани, “Бекат” МФЙ	1,0
49.	Сирдарё тумани “Адолат” МФЙ	1,8
50.	Янгиер шаҳри, “Обод юрт” МФЙ	1,2
<b>Сурхондарё вилояти</b>		
51.	Денов тумани, “Нуристон” МФЙ	5,5
52.	Термиз тумани, “Нурафшон” МФЙ	5,5
53.	Термиз шаҳри, “Каттабоғ” МФЙ	0,45
54.	Термиз шаҳри, “Темир йўлчи” МФЙ	1,0
55.	Шўрчи тумани, “Оқкамар” МФЙ	3,0

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
<b>Тошкент вилояти</b>		
56.	Ангрен шаҳри, “Файзобод” МФЙ	1,6
57.	Бекобод шаҳри, “Қосим ота Фармонов” МФЙ	2,8
58.	Тошкент тумани, “М. Фозилов” МФЙ	5,0
59.	Ўртачирчиқ тумани, “Фаровон” МФЙ	3,7
60.	Ўртачирчиқ тумани, Қорасув МФЙ	2,0
61.	Бўка тумани, “Гулистон” МФЙ	1,0
62.	Бекобод тумани, “Оқ тепа” МФЙ	4,0
<b>Фарғона вилояти</b>		
63.	Фарғона шаҳри, Саноатчилар кўчаси	3,0
64.	Марғилон шаҳри, “Наврўз” МФЙ	4,0
65.	Қувасой шаҳри, “Пакана” МФЙ	10,0
66.	Қўқон шаҳри, “Мингтут” МФЙ	10,0
67.	Бешариқ тумани, “Бахмал” МФЙ	10,0
68.	Учкўприк тумани, “Тожик” МФЙ	1,5
69.	Фарғона тумани, “Юқори арча” МФЙ	10,0
<b>Хоразм вилояти</b>		
70.	Урганч шаҳри, “Ашхобод” МФЙ	3,2
71.	Хива шаҳри, Саноат зонаси ҳудуди	5,0
72.	Урганч тумани, “Чаткўпир” ҚФЙ, Саноат зонаси ҳудуди	1,0
73.	Ҳазорасп тумани, “Янгибозор” ҚФЙ, “Алоқали кўл” МФЙ	3,0
74.	Хива тумани, “Атажон тўра” МФЙ	5,0

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
75.	Хонқа тумани, “Қорақош” ҚФЙ, “Ғайрат” МФЙ	4,0
76.	Тупроққалъа тумани, Саноат зонаси ҳудуди	5,0
<b>Тошкент шаҳри</b>		
77.	Учтепа тумани, “Журжоний” МФЙ	2,6



**Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини  
йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлашнинг манзилли  
ДАСТУРИ**

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
<b>1. Андижон вилояти, Андижон шаҳри, “Бўстон” МФЙ ташкил қилинадиган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
<b>Ичимлик сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
1.	Ичимлик суви тармоғи тортиш	км	3,0	450,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ўзсўвтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	1,0	4 400,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ўзсўвтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	0,8	1000,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия линияси қуриш	км	1,5	74,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
<b>Табиий газ тармоғи билан таъминлаш</b>						
5.	Газ билан таъминлаш	км	2,0	1 800,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>7 724,0</b>		
<b>2. Андижон вилояти, Хонобод шаҳри, “Ш.Рашидов” массивида ташкил қилинадиган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
<b>Ичимлик сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
1.	Ичимлик суви тармоғи тортиш	км	0,5	200,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	1,5	1 800,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Кириш йўллари реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	1,8	1 200,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия линияси қуриш	км	5,0	742,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
					маблағлар	
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>3 942,0</b>		
<b>3. Андижон вилояти, Андижон тумани, “Чўлпон” массивида ташкил қилинадиган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
<b>Ичимлик сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
1.	Ичимлик суви тармоғини тортиш	км	1,0	600,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳоқимлиги
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	1,0	600,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳоқимлиги
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Кириш йўллари реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	2,0	200,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳоқимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия линияси қуриш	км	1,0	500,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>1 900,0</b>		
<b>4. Андижон вилояти, Асака тумани, “Янги ҳаёт” массивида ташкил қилинадиган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	0,5	440,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Кириш йўлларини реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	0,4	200,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия тармоғи қуриш	км	1,0	482,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Табиий газ тармоғи билан таъминлаш</b>						
5.	Газ билан таъминлаш	км	3,0	850,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>1 972,0</b>		
<b>5. Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, “Жўраполвон” массивида ташкил қилинадиган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
1.	Ичимлик суви тармоғи тортиш	км	3,0	1 200,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	1,5	1 500,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Кириш йўллари реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	1,0	1 160,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия линияси қуриш	км	0,4	200,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Табиий газ билан таъминлаш</b>						
5.	Газ билан таъминлаш	км	0,8	250,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети, “Ҳудудгазтаъминот” АЖ маблағлари	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>4310,0</b>		
<b>6. Андижон вилояти, Бўстон тумани, “Ўзбекистон” массивида ташкил қилинадиган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
1.	Ичимлик суви тармоғи тортиш	км	1,0	1 300,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган маблағлар	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги
<b>Оқова сув тармоғи билан таъминлаш</b>						
2.	Оқова сув тармоғи тортиш (канализация)	км	1,0	2 500,0	Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган	“Ўзсувтаъминот” АЖ, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Ўлчов бирлиги	Қуввати*	Талаб этиладиган маблағ * (млн сўм)	Молиялаштириш манбаси	Масъул вазирлик ва идоралар
					маблағлар	
<b>Автомобиль йўли билан таъминлаш</b>						
3.	Кириш йўллари реконструкция қилиш ва таъмирлаш	км	0,8	170,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	Автомобиль йўллари қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Электр энергияси тармоғи билан таъминлаш</b>						
4.	Электр энергия линияси қуриш	км	1,5	476,0	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари	“Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ
<b>Табиий газ билан таъминлаш</b>						
5.	Газ билан таъминлаш	км	5,0	492,0	Андижон вилояти маҳаллий бюджети	“Ҳудудгазтаъминот” АЖ, Андижон вилояти ҳокимлиги
<b>Жами талаб этиладиган маблағ:</b>				<b>4 938,0</b>		
<b>7. Андижон вилояти, Избоскан тумани, “Янги замон” массивида ташкил қилинадиган ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси</b>						
